

**8-МАВЗУ. «ПАНОРАМА» ГЕОАХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ЕР ТУЗИШ ВА ЕР  
КАДАСТРИ ИШЛАРИНИ  
АВТОМАТЛАШТИРИШДА ФОЙДАЛАНИШ**

**(10 соат)**

**РЕЖА:**

- 1. “ПАНОРАМА” мажмуаси таркиби.**
- 2. Карта 2008 геоахборот тизими.**
- 3. Панорама – Таҳрирчи векторловчиси.**
- 4. «Ер ва Ҳуқуқ» кадастр тизими.**

**8-МАВЗУ. 3- МАЪРУЗА:  
«ПАНОРАМА» ГЕОАХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ЕР ТУЗИШ ВА ЕР  
КАДАСТРИ ИШЛАРИНИ  
АВТОМАТЛАШТИРИШДА ФОЙДАЛАНИШ**

**(2 соат)**

**РЕЖА:**

**1. .«Ер ва Ҳуқуқ» кадастр тизими**

# Маъруза машғулоти ўқитиш технологияси

|   |  |
|---|--|
| Талабалар сони: 102 нафар   | 8-мавзу: 1-маъруза, 2 соат   |
| Ўқув машғулотининг шакли  | Маъруза - ахборот  |
| Машғулотнинг режаси   | 1. <b>“Панорама – Таҳрирчи векторловчиси.</b><br>2. <b>3Д мухитида тасвир яратиш</b>   |
| Машғулотнинг мақсади: “ПАНОРАМА” мажмуаси таркиби ва Карта 2008 геоахборот тизими тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш                    |  |
| Педагогик вазифалар:  | Ўқув фаолияти натижалари:  |
| 1. <b>“Панорама – Таҳрирчи векторловчиси</b> тўғрисида тушунчалар беради.<br>2. <b>3Д мухитида тасвир яратиш</b> тўғрисида тушунчалар беради. | <b>“Панорама – Таҳрирчи векторловчиси</b> тўғрисида тасавурга эга бўлади.<br>2. <b>3Д мухитида тасвир яратиш</b> тўғрисида тасавурга эга бўлади. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси  | Маъруза, ақлий хужум   |
| Ўқитиш воситалари   | Доска, тарқатма материаллар  |
| Ўқитиш шакли  | Жамоа бўлиб ишлаш  |
| Ўқитиш шарт шароити   | Проектор ва компьютер билан жихозланган ўқув хонаси  |

## МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

| <b>Иш босқичлари</b>                                     | <b>Фаолият турлари</b>   |  |
|--|--|--|
|  | <b>Таълим берувчи</b>  | <b>Таълим олувчилар</b>  |
| <p>1 босқич<br/>Ўқув машғулотиغا кириш<br/>20 дақиқа</p> | <p>Гуруҳлар давомати назорат ыилинади.<br/>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади.<br/>Машғулот очик маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади</p>  | <p>Тинглайдилар ва ёзиб оладилар</p>   |
| <p>2 босқич<br/>Асосий қисм<br/><br/>50 дақиқа</p>       | <p>2.1.Тарқатма материал тарқатилади мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.<br/>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (диаграммалар, жадваллар)<br/>Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.<br/>2..3.Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади.<br/>Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.<br/>3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади.</p> | <p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, жадвал ва диаграммаларни дафтарга ёзиб оладилар,<br/>саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p> |
| <p>3 босқич<br/>Яқуний босқич<br/>10 дақиқа</p>          | <p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади.<br/>Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қарагади.<br/>3.2. Мустақил иш учун топширик берилади.</p>  | <p>Тинглайдилар</p> <p>Топширикни ёзиб оладилар</p>  |

# Мавзуни ўзлаштириш бўйича тавсия қилинаётган адабиётлар

## Асосий адабиётлар:

1. Andreas C. Land Information systems. Germany, 2016
2. С.Авезбаев. Ер тузишни лойиҳалашнинг автоматлашган тизимлари. Дарслик – Тошкент: ТИМИ, 2008. – 135 б.
3. S. Avezbayev. Yer tuzishni loyihalashning avtomatlashgan tizimlari. T.:TIMI, 2010-168 b.
4. С.Н.Волков. Землеустройство. Системы автоматизированного проектирования в землеустройстве. Том 6. - М.: “Колос”, 2002. – 450 б.

## Қўшимча адабиётлар:

5. С.Н.Волков. Землеустройство. Экономико-математические методы и модели. Том-4 – М.: “Колос”.
- 6.Руководство по применению комплекса программы «Панорама», - М.: КБ Панорама, 2018 г.

## Интернет ва зиёнет сайтлари:

1. [http:// www. Tsure. ru/;](http://www.Tsure.ru/)
2. <http:// www, guz. Ru/>
3. [http://www, Ziyonet. Uz/.](http://www, Ziyonet. Uz/)

## **«Панорама» мажмуаси таркиби**

**касбий ГАТ  
карта 2008**

**саноат  
типидаги  
электрон  
карталар  
векторизатори  
Панорама –  
тахрирчи**

**турли хил  
қатламларга  
ГАТ  
иловаларни  
тайёрлаш  
учун  
инструментал  
восита  
GisToolKit**

**ер эгаларини  
ҳисобга олиш  
ҳамда  
рўйхатдан  
ўтказиш тизими  
«Ер ва ҳуқуқ»**

**Ер ва Ҳуқуқ** –  
ер ахборот  
tizими бўлиб, у  
ер кадастр  
маълумотларини  
тезкор йиғиш,  
тўплаш, сақлаш  
ва улардан  
фойдаланиш  
учун хизмат  
қилади ва ўзига  
қуйидаги  
вазифаларни  
олади:

ердан фойдаланувчиларнинг ҳисобини олиш, ҳуқуқ  
ва битимларни рўйхатга олиш, ер ҳужжатларини  
расмийлаштириш

ерларни тоифаларга ажратиб миқдор ва сифат  
ҳисобини олиш

сервитутлар ва тўловларни белгилаш ва рўйхатга  
олиш

статистик ҳисоботларни шакллантириш

кадастр маълумотларини маълумотларнинг  
алмашиш форматига экспорт/импорт қилиш

Microsoft Office форматида ҳисоботларни яратиш.  
Ҳисоботлар шаклларини созлаш ва янги  
ҳисоботлар тизимига қўшиш;

векторизаторнинг профессионал версияси  
ёрдамида ҳисобга олинаётган ҳудудни хариталаш

## Дастурни ўрнатиш тартиби

- компакт диск компьютерга ўрнатилади;
- **Cadastre** директориясидан **Setup.exe** файли ишга туширилади;
- **Установка программы Земля и Право** мулоқат ойнасида **Далее** тугмачаси босилади;
- **Обзор** тугмачаси орқали **Выбор дирекрорий** мулоқатида дастур файллари жойлаштирилдиган тўплам (папка) танланади, кейин **Далее** тугмачаси босилади;
- **Выбор состава инсталляции** мулоқатидан зарур компонентлар танланади;



## ЕР ЭГАЛИКЛАРИНИ ҲИСОБГА ВА РЎЙХАТГА ОЛИШ

**Маълумотлар базаларига кириш тизими (BDE).** Ушбу тизим маълумотлар базаларига киришни ташкил этиш имконини беради.

- **Карталар таҳрирчиси,** картаграфик асосларни юритишни амалга ошириш имконини беради.

- **Электрон калит драйвери.** Яширин нусха олишдан ҳимоялаш тизимининг тўғри ишлаши учун зарур.

- **Мисоллар.** «Ер ва Ҳуқуқ» тизими билан биргаликда берилади ва Example каталогида жойлашган.

## ҲУЖЖАТЛАР

### Ҳужжатлар.

**Выбор программной группы** мулоқат ойнасида исталган гуруҳ номи кўрсатилади ва **Далее** тугмачаси босилади.

Сизнинг танловингизга мос ўрнатишни бажариш учун **Начать установку?** мулоқат ойнасида **Далее** тугмачаси босилади.

Агар ўрнатиш таркибини танлашда маълумотлар базаларига (BDE) ёки электрон калит драйверига кириш тизимларини ўрнатиш билан боғлиқ қисмлар кўрсатилган бўлса, уларни ўрнатиш жараёни тугагандан кейин операцион тизимга қайта жойлаштириш таклиф этилиши мумкин.

**Хизмат файлларини баёнлаш.** Дастур, фойдаланувчи ўрнатишда танлаган директорияга ўрнатилади.

Дастурий таъминот таркибига PanCad.exe модули, DLL – кутубхоналар тўплами ва HLP билан кенгайтирилган тезкор айтиб ёрдам берувчи файллар киради.

Фойдаланувчи учун ҳужжатлар **\\DOC** папки директориясида сақланади.

**\\HARDKEY** папки директориясида ҳам электрон калит драйвери ва уни ўрнатиш бўйича кўрсатмалар сақланади.

**\\EXAMPLE** папки директориясида маълумотларнинг кўрсатиладиган базаси жойлашган.

**\\TEMPLATE** папки директориясида Microsoft Office воситасида яратилган ҳисоботлар шаблонлари жойлашган.

**\\PANEDIT** папки директориясида векторли карталар таҳрирчиси жойлашган.

## ҲУЖЖАТЛАР

«Ер ва Ҳуқуқ» кадастр тизимининг барча ўлчамлари **SurzPar.dbf** тизими параметрлари файлида сақланади.

Маълумотлар макетлари **W\_Maket.dbf** файлида сақланади.

**Маълумотларнинг кўргазмали базаси билан ишлаш.** Етказиб бериладиган «Панорама» комплекти таркибига маълумотларнинг кўргазмали базаси ҳам киради. Тизимни ўрнатишда **\EXAMPLE** каталоги яратилади. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

- **\EXAMPLE\DBF** – ер участкалари ҳисоби маълумотлари (dBase for Windows формати);

- **\EXAMPLE\Map** – ер участкалари тўғрисидаги рақамли картаграфик маълумотлар (ГИС Карта 2008 формати);

- **\EXAMPLE\RSC** – ресурслар файллари (рақамли классификаторлар, \*.RSC).

**Кадастр  
маълумотлари  
қуйидагиларни  
ўз ичига олади**

ўз ичига кадастр зоналарини, кадастр массивларини, кадастр кварталларини, кадастр участкаларини оладиган ҳисобга олинаётган ҳудудларни

ер (кадастр) участкалари эгалари, ҳуқуқни белгиловчи ва ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар, ҳуқуқнинг ўзи ва аниқ ҳуқуққа юкланган тўловлар, мажбуриятлар тўғридаги маълумотларни

тартибга солинган кўрсаткичлар рўйхати шаклидаги классификаторларни (битимлар турлари, ҳуқуқлар турлари, ерни бериш мақсади, ерлар тоифалари, юкламалар (тўловлар), корхоналар, ҳужжатлар (асослар) турлари, шахсий ҳужжатлар турлари, ташкилотлар)

## КАДАСТР МАЪЛУМОТЛАРИ ЎЗ ИЧИГА НИМАЛАРНИ ОЛАДИ?

Кўрсатиладиган рақамли картографик маълумотлар сифатида қуйидагилардан фойдаланилади:

- **Асосий карта файли** \Example\Map\example.MAP;
- **Кадастр картаси файли** \Example\Map\cadastr.SIT.

Дастурни биринчи қўшишда маълумотлар кўргазмали базаси юкланади. Унда ер эгаларини ҳисобга олиш тизими иши ўрганилади. Масалан, ердан фойдаланувчиларнинг тўла рўйхатини яратиш учун, бош менюдаги **Ҳисоботлар\ Ердан фойдаланувчилар рўйхати (Тўла)** қатори танланади.

Дастурни ўчириш тартиби (деинсталляция):

- Windowsнинг бош менюсидаги **Пуск** тугмачаси босилади.
- Дастурлар бўлимида **Земля и Право** дастурлар гуруҳи танланади ва **Земля и Право Деинсталляция** иловаси ишга туширилади.